УДК. 420.316

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ СУФФИКСЛАР ЁРДАМИДА ЯСАЛГАН ЭМОЦИОНАЛ СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

У.Б.Раҳмонов

Ҳозирги кунда эмоционал сўзлар муаммоси тилшуносликдаги долзарб масалалардан бири саналади. Мақолада бир неча суффикс ва префикслар билан ясалган эмоционал сўзлар таҳлилига кенг ўрин берилган. Ушбу таҳлиллар бир неча луғатлар устида олиб борилган. Шунингдек, бир неча суффикслар бутун бир контекстга нисбатан ҳам қўлланилиб, морфологик омилнинг гап контекстидаги таъсири таҳлил қилинган. Контекстларда суффиксиал такрорларга бир неча мисоллар берилган.

Калит сўзлар: *суффикс, эмоционал, WND, child, woman, bloody, контекст.*

В настоящее время проблема эмоционального выражения является одной из актуальных в лингвистике. Эмоциональное значение, как и любое другое значение слова, выражает не только понятия, но также чувства и интуицию. В статье дается обзор эмоциональных выражений слов, образованных с помощью нескольких суффиксов и префиксов. Анализы основаны на данные ряда словарей. Кроме того, отдельные суффиксы были применены к целому контекста и проанализировано влияние на него морфологического фактора. В контекстах даны примеры суффиксальным повторам.

Ключевые слова: *суффикс, эмоциональный, WND, child, woman, bloody, контекст.*

Инглиз тили луғат таркибидаги эмоционал сўзларни тадқиқ қилиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Инсон эмоциялари ва уларни лингвистик таъминлаш механизми ҳар доим илмий тадқиқотларнинг предмети бўлган. “Эмоция” сўзи лотин тилидаги қўзғатмоқ, ҳаяжонлантирмоқдан олинган бўлиб, “таъсирчанликнинг ва кечинмаларнинг барча турини қамраб олувчи ташқи ва ички қўзғовчилар таъсирига инсоннинг реакцияси” деб таърифланади. Эмоционал лексикага ҳиссий фонга эга бўлган эмоционал тус берилган сўзларни киритишади. Бу сўзлар эмотив зарядланганлигининг хилма-хил табиатини эътиборга олиб, инсон эмоциясини акс эттиришда иштирок этишини ҳисобга олиш лозим.

И.Р.Гальпериннинг таърифига кўра, “Эмоционал маъно” – бу сўзда ҳиссий тушунчаларни акс эттириш йўсини бўлиб, бунда эмоционал маъно сўзловчининг реал борлиқ фактларига нисбатан субъектив муносабати ифодаланади [1. Б. 114]. Эмоционал маъно сўзловчининг объектив борлиқ фактларига нисбатан муносабатини ифодалайди. У субъектив тарзда баҳоланиши ҳам мумкин, аммо бунда эмоционал маъно сўз семантик структурасининг мавжуд компоненти бўлмиш муайян лексик бирлик билан ифодаланади.

Ҳозирги замон тилшунослигида бу тушунчалар кўпинча синоним, ўзаро алмашинувчан тарзда қўлланилади. Илмий тадқиқотларда “эмоционал экспрессив маъно” атамасидан кўп фойдаланилади. В.В.Виноградов фикрига кўра, нутқдаги экспрессив шакл субъектив характеристика ва ғоявий шаклни акс эттиради [2. Б. 181].

А.А.Реформатский эса “экспрессив лексика” атамасини нейтрал лексика тушунчасига зид тарзда қўллайди [3. Б. 48] ва унга душка, фефела каби экспрессив сўзларни мисол қилиб келтиради.

А.И.Ефимовнинг ёзишича, “экспрессив воситаларга эркаламоқ, эркалик, хушомад қилмоқ, камситиш, хўрлаш, масхаралаш каби маъноларни ифодалайдиган сўзлар киради” [4. Б. 13]. Л.А.Булаховский [5. Б. 49], С.А.Капорский [6. Б. 49], И.В-.Арнольд [7. Б. 92] ҳам шу нуқтаи назарга қўшиладилар. Уларнинг талқинларига кўра, эмоционал маънога эга сўзлар экспрессив саналади.

Замонавий тилшуносликда эмоционаллик ишоралари масаласи, айниқса, икки тилли луғатлар олдида кўндаланг муаммо бўлиб турибди. Ясама сўзларнинг таҳлилини маънонинг эмоционал аспекти бўлмиш, ясама сўзларнинг асосий маъноси доирасидаги номинатив аспект билан бирга мавжуд бўлган сўзлардан бошлаймиз ва бу таҳлил мазкур сўзнинг морфологик ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Тилшуносликда ясама сўзлар суффикслар, префикслар ва сўзларни бир-бирига қўшиш орқали ясалади. Биз қуйида бир неча суффикслар ёрдамида ясалган сўзларни эмоционал-экспрессив таҳлил қиламиз.

Инглизи тилида *childlike* сўзи боланинг соддалигини, самимийлигини назарда тутади. *Childish* сўзи эса шу объектнинг бутунлай тескари хусусиятини – тентаклигини, ишончсизлигини, қайсарлигини ифодалайди. *Childish* болаларнинг тиниб-тинчимайдиган табиатини таъкидлайди, айни пайтда *childlike*

итоаткорона ишонувчанлик ҳамда соддадилликни ажратиб кўрсатади. WND (“Webster’s Third New International Dictionary”) [8. Б. 115] бу семаларни ажратиб кўрсатар экан, ишни охирига етказмайди: бу сўзлар маъноларининг интеллектуал ҳамда эмоционал компонентларини табақалаштирмайди, эмоционал белгилар бермайди. Шу тариқа сўзнинг умумий изоҳида эмоционал маълумот йўқолиб қолади. *Childish,* а. 1) болаларга хос бўлган, болалар... 2) болаларга оид, болалар..., енгилтак, енгил табиат. Childlike, а. – содда, софдил, соддадил, боладек самимий, очиққўнгил.

Шу тариқа *womanlike* ва *womanish* ўртасидаги фарқни таҳлил қилиш мумкин. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary” *womanish*ни қуйидагича таърифлайди: *womanish – (of a man, his feelings, acts, etc. like a woman). Womanly* сўзини эса *like a woman, proper for a woman* дея таърифлайди. Бу таърифлардан эмоционал баҳода муҳим фарқ кўзга ташланмайди. Кўпсонли мисоллар *womanish* сўзининг салбий коннотациясини зўр бериб таъкидлайдилар: *Spinoza called pity womanish; the epithet has a harsh sound on the lips of that tender and austere spirit (W.Somerset Maugham. The Summing up, 177).*

Womanly сўзи, аксинча, фақат ижобий эмоционал баҳолашни амалга оширади. Г.Фаулер *womanly* сўзини қуйидагича тушунтиради: *womanly: it is used only to describe qualities peculiar to a) a good woman as opposite to men or b) developed woman as opposed to girls* [9. Б. 162]**.**

Қандай контекстда қўлланганлигига кўра *childlike* сўзини *…affectionate* тарзида таърифлаш мумкин, *childish* сўзини эса *a term of reprobation; womanish* сўзини – *contemptuous***,** *womanly* сўзини эса *approval* тарзида таърифлаш мумкин.

Бу ва шунга ўхшаш мисоллар (*mannish*, *dollish*, *doggish*, etc.) *-ish* суффиксли ясама сўзларнинг ҳаммаси, албатта, салбий баҳолашга эга деган нотўғри таассурот ҳосил қилиши мумкин. Сўз ясаш бўйича қилинган махсус тадқиқотлар кўрсатадики, фақат у ёки бу инглиз тили суффиксининг асосида бор бўлган эмоционал баҳонинг устун келувчи характери ҳақида гапириш мумкин [10. Б. 118]. Инглиз тилида эмоционалликни ясама сўзга кўчириб ўтказиши мумкин бўлган битта ҳам суффикс доимий эмоционаллик характери билан ажратиб кўрсатилмаган. Рус тилида бундай суффикслар мавжуд, масалан, *-щина: обломовщина.* Бу суффикс билан эмоционал “менсимай, илтифотсизлик билан, камситиб” баҳолашини олмаган русча сўзни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Ҳақиқатан ҳам, инглиз тилида *-ish* суффикси маълум сифатнинг қандайдир даражасини акс эттириши мумкин, масалан: *goodish, largish, tallish, roughish* ва ҳоказо. 1.*In one way and another I’ve had a roughish time* (W.Somerset Maugham. Of Human Bondage, 350). 2.*They were largish houses which had seen better days* (Agatha Christie. Parker Pyne investigates, 28). 3. “*He’d he a goodish Master*”, Isaid (C.P.Snow. The Master’s, 69).

Бироқ шу факт ўзига жалб қиладики, ҳатто *-ish* суффикси нейтрал маънода ишлатилгандек туюлса ҳам, бу суффикс билан ҳосил қилинган ясама сўз одатда контекстга умумий баҳолаш йўналиши билан киради, бунинг устига, бу баҳолаш салбийдир: 1. *His wife has tallish fair and very blowzy* (H.E. Bates. Death of a Huntsman, 15). 2. *But the face which looked back at him was only a little discoloured by the dust, it was still the same, anxious and crisscrossed and fortyish* **(**Graham Greene. Our Man in Havana, 2). Tallish, youngish каби сўзлар аниқловчи сифатида ишлатилган умумий аниқ ижобий эмоционал йўналтирилган контекстни тасаввур қилиш қийин.

В.В.Виноградов “агар ўз экспрессияси билан жуда ёрқин бўлган сўзлар гуруҳи у ёки бу аффикс билан боғланган бўлса, тегишли эмоционал-экспрессив нозик маъно аффикснинг ўзига ўтади” [11. Б. 10] деганида бутунлай ҳақ эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, *-ish* суффикси доимий эмоционал баҳолаш характерига эга, бироқ унинг “менсимай, илтифотсизлик билан, камситиб”, “маъқулламай” ва ҳ.к. коннотациялар билан қўлланилиши унга соя ташлайди, гўё унинг нейтрал қўлланилиши ишлатилиш контекстларини бирмунча чеклаб қўядигандек кўринади. О.Хаксли Мери Триплоу образининг “ижодий изланишларига” ўзининг истеҳзоли муносабатини билдириш учун бу суффиксдан жуда устамонлик билан фойдаланади: *Oughtn’t one to do it more flatly, somehow? More terre-a-terreishly, more real-lifeishly?* (Aldous Huxley. Those Barren Leaves, 361).

Шундай қилиб, таҳлил, биринчидан, *womanish, mannish, childish* каби сўзларда аниқ эмоционал белгилар қай даражада муҳим эканлигини, иккинчидан, *goodish, largish, tallish* каби сўзлар суффикс билан маънонинг икки томонлама характерини таъкидлашга хизмат қилади.

Изоҳдан ёки таржимадан кейин қавс ичида қуйидагича эслатма бериш мумкин: “менсимай, илтифотсизлик билан, камситиб” нозик маъноси билан истеҳзоли қўлланилиши мумкин”. Бу далилни инкор қилиш кўпинча лексикографик ноаниқликларга олиб келади. Масалан, WND *boyish* сўзининг таърифини имкони борича қисқартиради ва бунинг натижаси айнан дудмол ноаниқликдан иборатдир: *boyish – of, fit, for, or characteristic of a boy or boyhood.* СМ (Словарь Мюллера) ушбу мақолани тўлалигича таржима қилади [12. Б. 49]. Бироқ *boyish* сўзи юқорида келтирилган умумий интеллектуал семадан ташқари яна иккита семани ажратиб кўрсатиши мумкин. UD (Universal dictionary) бу сифатга қуйидагича таъриф бе-

ради: *boyish – like a boy; both in favourable and unfavourable sense:* a) *fresh, highspirited, cheerful.* b) *inexperienced, unpractical.* Мазкур изоҳ сўзнинг ҳақиқий ҳаётини ва маъносининг мураккаб тузилишини кўрсатишга анча яқиндир. Назаримизда, *favourable, unfavourable* сўзларига янада аниқлик киритиш ва бу аниқлаштирадиган семаларни сўзнинг маъноларига белги сифатида ажратиб кўрсатиш мутлақо тўғри бўларди.

-у суффикси отларнинг ўзагига қўшилиб, янги сўзга маълум эмоционал маъно нозиклик бағишлайди. Бу суффикс феъл ўзагига (*weepy*) ёки сифат ўзагига (*goody*) камдан-кам ҳолда қўшилади: 1. *Yes, she seemed rather weepy. She insisted on kissing me and Philip* (W. Somerset Maugham. Of Human Bondage, 87). 2. *He was far from being a goody-goody child and could lose this temper with the best...* (King Arthur, 33).

Weepy сўзи луғатларда қайд қилинмайди, бироқ у ўзининг ҳам интеллектуал маъноси нуқтаи назаридан, ҳам эмоционал баҳолаш нуқтаи назаридан осон идрок қилинади. Келтирилган мисол *weepy* сўзининг “маъқулламай” ёки “менсимай, илтифотсизлик билан, камситиб” эмоционал баҳолашини яққол амалга оширади. *Goody-goody* сўзининг эмоционал-баҳолаш маъноси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

“*-у*” суффикси ниҳоят даражада фаол, ундаги эмоционал баҳолашнинг “тушунарлилиги” сўзларга одатда салбий коннотация бағишлаши билан изоҳланади. Бу коннотациянинг сезиларли даражада бўлиши учун қуйидаги сўзлар қаторини келтириш етарлидир: *lousy, catty, ratty, mousey...* Шунингдек, *bossy, fishy, moony, moody, horny, cheesy, baggy, arty, nosy* ва ҳ.к. Бироқ луғатлар бир турдаги ҳолатларни бир хилда тушунтирмайдилар. Масалан, WND *lousy* сўзининг эмоционал маъносига қуйидаги белгиларни илова қилади: 2. *(slang) dirty, disgusting, or contemptible*, 3. *(slang) poor, inferior: a generalized epithet of disapproval or condemnation*. СМ бу икки тушунчани бирлаштиради ва унга “қўпол” (“тахминий”) белгисини қўяди. WND *ratty* сўзини таърифлар экан, унинг эмоционал маъносида *slang* белгисини қўяди. СМ ҳам бу маънони *slang* белгиси билан илова қилади. Catty сўзи WNDда ҳеч қандай белги билан берилмайди. СМ ҳам бу луғат мақоласини қандай бўлса шундай ва белгисиз акс эттиради. Фикримизча, бу учта сўз орасидаги фарқ шундан иборатки, *lousy* сўзи *generalized term of disapproval or condemnation* тарзида баҳоланиши керак, *ratty, catty* сўзлари эса соддагина қилиб *terms of disapproval or condemnation* дея баҳоланмоғи лозим. Бу учала сўзнинг ҳаммаси сленгга тегишли эканлигига шубҳа йўқ, буни уларнинг мазмунидаги “қўполлик, дағаллик” деган нозик фарқ аниқлаб беради: 1. *The talk’s getting a bit catty now so Miller breaks it up* (Stan Barstow. A Kind of loving: The Vic Brown Trilogy, 148). 2. ...*and the old lady getting more ratty every second that goes by.* (Stan Barstow. A Kind of loving: The Vic Brown Trilogy, 15). 3. *It’s Lex, all right. In that lousy train accident*. (W.Somerset Maugham.The Summing up, 87).

Woolly, moony, nosey, fishy, smelly, arty каби сўзлар турлича мазмуний муносабатдорликка эга, бироқ “бетакаллуф-маъқулламай” деган эмоционал-баҳолаш маъноси уларнинг барчаси учун умумийдир. Луғатлар бу маълумотни ажратиб кўрсатмайдилар, айнан мана шу маълумот кўп ҳолларда асосий ҳисобланади: 1. *...and their boats on this revolting smelly canal*. (Kingsley Amis. Take a girl like you, 90). 2. ...*fishes from Bolsena are altogether too fishy.* (Aldous Huxley. Those Barren Leaves, 318). 3. *She seemed to become slack and baggy*. (H.E.Bates. Death of a Huntsman, 193). *So many nice men are tried to such dull wives you know, “arty” women and high-brow women*. (Agatha Christie. Parker Pyne investigates, 63).

Woolly сўзида WND эмоционал-баҳолаш маъносини умуман ажратиб кўрсатмайди. СМ бу сўзнинг қуйидаги маъносини қайд қилади: 4) амер. оғз. – қўпол, дағал. Қуйида келтирилган мисол “оғз.” белгиси *woolly* сўзининг маъносини тўлиқ даражада тушунтира олмаслигини кўрсатади: *Why was he born with a different face? Why was he?.. He was “born with a woolly face”.* (Aldous Huxley. Crome Yellow, 44). Бу ички монолог ўзининг рақибига нисбатан рашкдан азобланаётган ёш йигитга, шоирга тегишли, шундай бўлса ҳам, у рақибини чиройли ҳисоблайди. У ўзини ўзи ҳалок қилади, *woolly* сўзи эса айнан шу мақсадда танлаб олинган. Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, *woolly* сўзи “нафратланиб, жирканиб, нафрат билан – маъқулламай” ёки “бетакаллуф – нафратланиб, жирканиб, нафрат билан” эмоционал-баҳолаш семасини ўз ичига олади, бу луғатда эмоционал белги сифатида тақдим қилиниши керак.

-ish суффикси билан бўлгани каби таъкидлаш жоизки, *-у* суффикси ижобий коннотацияли сўзларни ҳосил қилиши мумкин: *matey, speedy*. Аммо бу маънолар маълум бетакаллуфлик аломатига эга бўлиб, баъзи бир контекстларда “нафратланиб, жирканиб, нафрат билан” маъносига ўтиб кетиши мумкин: *Alfred’s nickname (speedy) stuck because it was apt and it was used for the most part disparagingly*. (W.Somerset Maugham. Of Human Bondage, 122).

Агар луғат тузувчилар ўзлари таклиф қилган таржималари билан конкретлаштирувчи ишоралар воситасида ноаниқликни бартараф қилмоқчи бўлсалар, унда, масалан, *busy-body* сўзининг талқинини тушунтириш мушкуллигини тасаввур қилса бўлади. WND бу сўзни қуйидагича тавсифлайди: *busy-body: (used disparagingly) a person who*

concerns himself with other people's affairs. Сўзнинг русча таржимаси СМда бундай: 1*) хлопотун, 2) человек, любя*щий вмешиваться с чужие делаю. Биринчидан *"хлопотун"* сўзи рус тилида ижобий коннотацияга эга, бу ерда эса инглизча сўзнинг нотўғри талқинини кўриб турибмиз, иккинчидан эса (2) маъно инглиз тилининг изоҳли луғатларидаги каби *"презр."* ишораси билан берилиши лозим эди, чунки бу инглиз тилидаги сўз ифодалаётган мавжуд ҳаёт манзарасига мос.

Яна бир "*-у*" суффикси билан ифодаланувчи *bloody* сўзи ҳақоратли, уятли сўзлар қаторига киради. Филдинг асарининг қаҳрамони Сквайернинг нутқи қўпол, тўнглиги билан характерли. У *bloody* сўзини бир неча маротаба ишлатади. Лекин аксарият ҳолларда Филдинг қаҳрамони уни урушга нисбатан ишлатади ("қонли уруш"). Мюллернинг луғатида бу сўз "шайтонга хос", "шайтонларча", "қонхўр", "золим", "қонга бўялган" деб таржима қилинган.

Г.Филдинг асарларида *bloody* сўзи барча вазиятларда бир хил – тўлалигича ёзилган. Шунга кўра, Ж.Свифт ва Г.Филдинг асарларида ишлатилган ҳақорат сўзларни қиёслаб, айтиш мумкинки, бу сўз ўша даврларда одатдаги слэнг бўлиб, ҳақоратдай жарангламаган. Ўша даврда оммавий ишлатилган ушбу сўз тил қонуниятларига кўра, *mild, expletives* иборасининг таркибига кириши мумкин эди. Бироқ *bloody* сўзи эмоционал маъносининг ўзгариш жараёни анча мураккаб, *bloody* сўзи бир маъно касб эта бошлаган. Шундан буён *ruddy, bally, blurry* каби қатор эвфемизмлар пайдо бўла бошлади. *Bloody* сўзини ёзувчилар тўла ёзишдан ўзларини тия бошладилар. Кўпинча унинг ўрнига "-" белгисини қўллай бошладилар. Э.Уиклининг ёзишича, ҳатто судда гувоҳлик қилувчи миршаб ҳам жиноятчи уни *bliar* [13. Б.16 – 17] деб атаганлигини қайд этади.

Бугун *bloody* сўзининг тўла ёзилаётганлиги унинг "оқланганлигидан" дарак беради. Универсал луғатларда *bloody* сўзи қуйидагича таърифланади: *a low, blasphemous, vulgar ephitet also meaningless adjective much used among very low persons.* Айтиш лозимки, бу сўзни америкаликлар бошқача, англияликлар бошқача қабул қиладилар. Масалан, америкалик автомобиль ҳалокати ҳақида гапирганда *bloody mess* деб мутлақо табиий сўзлайди. Англияликлар эса бу иборадан ҳижолатланиб, ижтимоий ва лисоний меъёрнинг йўқлигини қайд қилади.

Суффикслар бутун бир контекстга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Оддий суффикслар нинг инглиз тили сўз ясаш қоидаларига асосан ғайриоддий ўзаклар билан қўшиладиган ҳолатлари катта қизиқиш уйғотади. Бир неча мисолларни келтирамиз: *That was masterly, or should one say misstressly* (W.Somerset Maugham. The Summing up, 142). 2. *And so we find these various attempts to give it a traditional look – not tradition in particular, just traditionalness, if you follow*. (Kingsley Amis. Take a girl like you, 44). 3. *– indeed, he was not, despite a certain surface knowingness, not knowledge, mind you an educated person at all.* (Aldous Huxley. Antic Hay, 55).

Тагига чизилган сўзлар жуфтлигини қиёслаб, атайлаб қилинган сўз ўйинлари (биринчи мисолда) ҳақида гапириш мумкин, бунда сўзловчининг асосий хоҳиши ифоданинг икки маънолигига, бунинг натижасида истеҳзоли-киноялы самарага эришишдир. Кейинги иккита гапни қарама-қарши анъана – ҳаттоки арзимас икки маъноликдан қочиш бирлаштиради. *Traditionalness, knowingness* ва ҳ.к. шаклларни ҳосил қилиш ҳолатларини сўзловчи ифода қилмоқчи бўлган ўша мураккаб тушунчанинг тилда аниқ эквивалентлари йўқлиги билан тушунтириш мумкин. Бундай формаларнинг тушунарлилиги сўзларнинг парадигматик алоқаларига асосланган, бу формаларнинг ғайриоддийлиги эса уларнинг контекстуал эмоционаллигини ҳосил қилади.

Баъзан муаллифлар инглиз тили сўз ясаш меъёрларидан чекиниб, тилда мавжуд бўлмаган сўз ясаш элементларидан фойдаланган ҳолда сўзлар ҳосил қиладилар: *So long as they were theoretically perfect. practical peccadilloes – or even peccadaccios, if there is a such a word, where of less importance.* (Samuel Butler. The way of all Flesh, 167). Бундай сўзлар ёрдамида сўзларнинг ясалиш самараси, тўғриси, унинг сифати ўзгарганига қараганда, шу ўзакдаги "рисоладаги" сўзларнинг эмоционаллик даражаси ортганлиги билан боғлиқ.

Сўз ясаш ёки сўз ўзгартириш меъёрларини онгли равишда бузиш ҳоллари ғоят кўп: 1. *"He always used to say, "This coffee is very moorish", meaning you know, that he'd like a little more* (Miss Marple. Complete short stories - Agatha Christie, 125). 2. *And the result is, I believe, that there're much better than we are, much gooder, we used to say when we were children, the word's more expressive. Yes, much gooder*. (Aldous Huxley. Those Barren Leaves, 217).

Бундай ҳосилаларнинг сабаби максимал ифодалиликка интилишга боғлиқ, бу ғайриоддий ёки грамматик жиҳатдан нотўғри шакллар ҳисобига эришилади. Кўрсатиб ўтилган ҳамма мисолларнинг ва уларга ўхшашларнинг эмоционаллиги сабабини тушуниш учун, бу эмоционал элемент маънога нимани олиб киради деган масалани ҳал қилиш керак. Навбатдаги мисол ўзаро боғлиқлик жараёнини аниқ кўрсатиб беради: *...he had studied theology. But if theology and theosophy, then why not theography and theomerty, thy not theognomy, theotrophy, theotomy, theogamy? Why not theophysics and theochemistry? Why not that ingenious toy, the theotrope or wheel of gods? Why*

not a monumental theodrome? (Aldous Huxley. Antic Hay, 1).

Морфологик омилнинг гап контекстидаги таъсирини таҳлил қилиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, бундай сўз ясашлар ва сўз қўллашлар амалда *nonce formations* деб аталувчи чексиз қаторларнинг шаклланишига асос солиб, бу қаторлар эндиликда тил ҳодисасига айланди. Бироқ бу ҳодиса ўзига хослигини шу планда сақлаб қолдики, аниқ контекстуал эмоционаллик маъносини амалга ошириш кўп жиҳатдан контекстга боғлиқдир. Шу сабабли ҳали *nonce formations* маънолари доимий ҳаракатда деб айтиш мумкин: тил факти ҳисобланиб, улар доимо янги ҳосил қилинган сўзлар сифатида идрок қилинади. Бундай сўз ясалишининг ўзига хос хусусияти уларнинг айнан мазкур ҳолат учун хизматга яроқлилигидадир.

Гап контекстида ўзакларнинг ғайриоддий бирикишидан ташкил топган мураккаб сўзларнинг эмоционаллиги амалга ошади. Аммо ўзининг ғайриоддийлигига қарамай, бундай сўз ясалишлар тилнинг абстракт моделларига асосланган бўлиб, сўзловчилар унга ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда мослашиб иш тутишади. Ҳар ҳолда яратилган айрим контекстлардаги мураккаб сўзларнинг ўзига хос хусусияти, биринчи навбатда, сўз маъноларининг сифатий-тавсифий табиатидан иборат. Айнан мана шундай сўзлар зарурияти ғоят эмоционал бўрттирилган тушунчаларни ифодалаш эҳтиёжидан келиб чиқади: 1. *She can still worry out her financial problem in her own hugger-mugger way.* (Samuel Butler. The way of all Flesh, 406). 2. *You've spent your life dodging everything, building dams around your precious niminy-piminy existence*. (Kingsley Amis. Take a girl like you, 234). 3. *We came here as a favour to you because you didn't want to lose your lovey-dovey daughter*. (Stan Barstow. A Kind of loving: The Vic Brown Trilogy, 247). Келтирилган мисолларнинг ҳаммаси сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини таъкидлайди, улар унинг нафратланишини, илтифотсизлигини уқтириб ўтади.

Контекстларда суффиксиал такрорлар ҳам жуда қизиқарли самара беради. О.Хаксли киноявий самарага эришиш ёки истеҳзони ифодалаш учун ундан усталик билан фойдаланади: *"I am that I am", said Coleman. "But I have with me" – he pointed to Shearwater, to Gumbrill, to Zoe, - "a physiologue, a pedagogue, and a priapagogue, for I leave out of account mere artists and journalists whose titles do not end with the magic syllable. And finally", indicating himself, plain Dog, which backwards reads God* (Aldous Huxley. Antic Hay, 42). Бу мисолда ўз-ўзидан такрор, ҳақиқатан ҳам, зарур таассурот туғдиради, бунинг ортида ажойиб сўз ўйини яширинган. Контекст ҳамда Коулманнинг қилиқлари билан биргаликда истеҳзоли самара беради. Қуйидаги мисолда суффиксиал такрор бутунлай бошқа таассурот қолдиради, бунинг сабаби қисман такрорланаётган суффикс маъносининг ўзида яширинган: *It was an English comedy with peoples' bottoms for jokes and underwear for humour, with bluster for wit and deceit for intrigue and above all with loveless, lineless, listless actors for people* (Aldous Huxley. Crome Yellow, 190). Бутун мулоҳазага нафратланиш, менсимаслик тусини берадиган юқори нуқта суффиксиал такрордадир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, луғатларда ясама сўзларни талқин қилганда, бир томондан *-ish, -y, -ster* суффиксларининг умумий жиҳатдан эмоционал-баҳолаш йўналтирилганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Сўзларнинг эмоционал маъноси суффикслар ёрдамида ўзгариб туради. Қачонлардир салбий маъно англатган сўзлар бугунги кунда ижобий маъно касб этиши мумкин.

Адабиётлар

1. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – Москва: Издательство литературы на иностранных языков, 1958. – 459 с.

2. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – Москва: Гослитиздат, 1959. – 656 с.

3. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – Москва: Аспект пресс, 2004. – 517 с.

4. Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – Москва: Изд-во. МГУ, 1957. – 520 с.

5. Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – Москва: УчПедиз, 1953. –174 с.

6. Капорский В.А. Стилистические функции некоторых синонимов в поэтическом языке Н.А.Некрасова // НВДШ, ФН, 1958.– №2.– С.47 – 53.

7. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. –Москва: Флинта, 2012. – 295 с.

8. *Barber E*. The Treatment of Slang in Webster's Third New International Dictionary. American Speech, 1993.– Vol.38. – № 2. – 978 p.

9. *Fowler H.W.* A dictionary of Modern English Usage. Oxford, 1926. – 749 p.

10. *Jespersen O.* A modern English Grammar on Historical Principles. Copenhagen, 1948. – Vol. 6. Pp. 114 – 122..

11. Виноградов В.В. Об экспрессивных изменениях значений и форм слов // Советское славяноведение: АН СССР, 1968.– №4. –С.8 – 13.

12. Мюллер В.К. Полный англо-русский русско-английский словарь. –Москва: Эксмо, 2013. – 849 с.

13. *Weekley E*. Words Ancient and Modern, London: Reprint edition, 1926. – 600 p.

THE ANALYSIS OF EMOTIONAL EXPRESSIONS FORMED WITH SUFFIXES IN ENGLISH

U.B.Rakhmonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin.Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 114 – 119.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan).E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *suffixes, emotional, WND, child, woman, bloody, context.*

Nowadays the problem of emotional expression is one of the current problems in linguistics.

The article gives the analyses of the emotional expressions made of several hypotheses and prefixes. The analysis are based on several dictionaries.

The issue of emotional gestures in modern linguistics is an especially problem especially in bilingual dictionaries. The emotional aspect of the analysis of the words begins with the words that come along with the nominative aspect of the basic sense of the word, and this analysis is based on the morphological peculiarities of this word. Derivative words are made by adding suffixes, prefixes, and words together. Here are some emotional-expressive analysis of words which are made of using suffixes.

It may be wrong to say that all the words with the suffix –ish have a negative assessment.

Special research on the word suggests that it is possible to speak of the superior character of emotional judgment that exists on the basis of only one or the same English language.

Suffixes that can transfer emotionality into words in English are not always characterized by emotional nature. womanish, mannish, childish, and so on, clearly indicate how important emotional characters are and secondly, emphasizing the two-way nature of the meaning of such words.

Y is enough to attach to the core of the nouns, and the new word emotionally sensitive. These suffixes are rarely added to the verb (weepy) or to the quality root (goody).

The “Y” is sufficiently active and the “clarity” of his emotional evaluation is usually due to a negative connotation of words. In order to have a significant amount of this connotation, it is enough to say to give the words: **lousy, catty, ratty, mousey…** also bossy, fishy, moony, moody, horny, cheesy, baggy, arty, nosy and so on. However, dictionaries do not describe one type of situation in the same way: woolly, moony, nosey, fishy, smelly, arty and so on. The words have different conceptual relationships, but the meaning of the emotional-evaluation of “disobedience-dissatisfaction” is common for all of them. . Dictionaries do not distinguish this information,this information is basic.

By analyzing the influence of the morphological factor in the context of the word, it is possible to conclude that such words and speeches are the basis of the formation of infinite series, which in practice are called nonce formations, and these rows are now language phenomena. However, this phenomenon has kept its originality in the same context, while the meaning of specific contextual emotion, in spite of this, depends largely on context.

In addition, several hypotheses have been applied to an entire context and analyzed the effect of the morphological factor on the context. There are several examples of suffixial repetitions in the context.

References

1. Galperin, I.R. (1958) Ocherki po stilistike angliyskogo yazika [Essays on the style of the English language]. Moscow: Literaturi na inostrannih yazikov.

2. Vinogradov, V.V. (1959) O *yazik*e *khudojestvennoy literaturi* [On the language of fiction literature] Moscow: Goslitizdat.

3. Reformatsky, A.A. (1996) *Vvedenie v yazikoznanie* [Introduction to linguistics]. Moscow: Aspent press.

4. Efimov, A.I. (1957) *Stilistika xudojestvennoy rechi* [The style of artistic speech]. Moscow: Izd-vo. MGU.

5. Bulakhovsky, L.A. (1953) *Vvedenie v yazikoznanie* [Introduction to linguistics]. Moscow: Gosudarstvennoye uchebno-padagogicheskoye izdatelstvo ministerstva prosvesheniya RSFSR.

6. Kaporsky, V.A. (1958) Stilisticheskie funktsi nekotorix sinonimov v poeticheskom yazike N.A.Nekrasova [The stylistic functions of certain synonyms in the poetic language of N.A. Nekrasov]. *NVDSH, FN*. No 2. Pp. 47 –53.

7. Arnold, I.V. (2012) *Leksikoloniya sovremennogo angliyskogo yazika* [Lexicology of modern English, ed. Foreign language literature]. Moscow: Flinta.

8. Barber, E. (1993) The Treatment of Slang in Webster’s Third New International Dictionary. *American Speech*, Vol.38. No.2. – 978.

9. Fowler, H.W. (1926) A dictionary of Modern English Usage. Oxford.

10.Jespersen, O. (1948) A modern English Grammar on Historical Principles. Copenhagen: Vol. 6. Pp. 114 – 122.

11. Vinogradov, V.V. (1968) Ob ekspressivnih izmeneniyah znacheniy i form slov [On expressive changes in the meanings and forms of words]. *Sovetskoye slavyanovedeniye: Academy of Sciences of the USSR*, No. 4. Pp. 8 – 13.

12. Muller, V.K. (2013) *Polniy anglo-russkiy, russko-angliyskiy slovar* [Complete English-Russian, Russian-English dictionary]. Moscow: Eksmo.

14. Hojiyev, A.; Nurmonov, A.; Zaynobiddinov, S.; Kokren, K.; Saidxonov, M.; Sobirov, A.; Quronov, D. (2001). Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati [Annotated dictionary of active words of modern Uzbek language]. Tashkent: Sharq